

Ҳ У К М

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

2021 йил июль ойининг 5 куни, жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи А.Миножиддинов, Ж.Обидовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси - Фарғона шаҳар прокурори ёрдамчиси А.Хапизов, судланувчи У.Исанов ва унинг химоячиси К.Расулов, жабрланувчи А.Иномовнинг иштирокида, судланувчи Исанов Уткирбек Анваровични айблаш ҳақидаги 1-1501-2105/811-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Исанов Уткирбек Анварович (Isanov Utkirbek Anvarovich) - 1991 йил 5 январда Қувасой шаҳрида туғилган, ўзбек, маълумоти ўрта, Ўзбекистон фуқароси, оилали, 2 нафар фарзанди бор, судланмаган, Якка тартибдаги тадбиркор, Фарғона шаҳар Янги аср кўчаси 17^Б-уй, 33-хонадонда яшаган, иш бўйича эҳтиёт чора тариқасида 2021 йил 12 январдан камокда сақланмоқда, 2021 йил 19 март куни айблов ҳулосаси нусхасини олган;

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми "а" банди билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини, тарафларнинг музокара, судланувчининг охириги сўзларини тинглаб, жиноят иши материалларини ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона текшириб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

У.Исанов алдаш йўли билан ўзганинг жуда кўп миқдордаги мулкини қўлга киритиш жиноятини қуйидаги ҳолатларда қасддан содир қилган.

Жумладан, у 2020 йилнинг март ойида таниши А.Иномовга тегишли бўлган 34 дона турли русумдаги компьютерларини ижарага бераётганлигидан хабар топиб, у билан Фарғона шаҳрида кўришиб, А.Иномовнинг ишончига кириб, унга мазкур компьютерларни бериб турса, ойига 1.000 АҚШ долларидан ижара пули тўлаб боришини айтиб, уни алдаб, А.Иномовнинг жами нархи 22.400 АҚШ доллар (212.934.400 сўм) бўлган 34 дона компьютер ва 9 дона креслоларини олиб кетиб, А.Иномовга келишилган ижара пулларини бермасдан, фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, ушбу компьютерларни 8 донасини қарзи эвазига фуқаро А.Нажмитдиновга бериб юбориб, яна бир қисмини дастлабки тергов вақтида аниқлашнинг имкони бўлмаган шахсларга сотиб, пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжларига сарфлаб юборган.

Судланувчи У.Исанов судда, айбига тўлиқ иқроп бўлиб, 2020 йилнинг бошида А.Иномовдан жами 34 дона компьютерларни ижарага олиб,



компьютерхона очиб, фаолият юритганлиги, бу ишни бошлаш олдида А.Нажмитдиновдан ҳам 5.000 АҚШ доллари миқдорида қарз олганлиги, бироқ коронавирус пандемияси бошланиб қолганлиги сабабли ишлари юришмасдан А.Иномовга келишилган ойига 1.000 АҚШ доллари миқдоридаги ижара пулларини бера олмаганлиги, лекин А.Иномов ундан ижара ҳақини талаб қилганлиги сабабли, ўзи берган компьютерларнинг процессорларини сотиб, уларни ўрнига арзон нархдаги процессорларни ўрнатиб, шунда 1.900 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни ижара ҳақи сифатида берганлиги, А.Нажмитдиновга ҳам ойма-ой бериб бориши керак бўлган 4.000.000 сўм пулларни бера олмаганлиги, у ҳам пулларини қайтариб беришини талаб қилганлиги, шунда унга тез орада пулларини қайтариб беришини айтганлиги, кейинчалик эса А.Нажмитдинов унга ушбу пулларга сотиб олган компьютерларни берса, отасига кўрсатиб туришини, кейин яна қайтариб олиб келиб беришини айтганлиги, шунда А.Нажмитдиновга ишониб, унга А.Иномовнинг жами 8 дона компьютерларини бериб юборганлиги, А.Нажмитдинов ушбу компьютерларни А.Иномовники эканлигини билганлиги, А.Иномовга терговга қадар текширув бошланган вақтда олган компьютерларидан аксариятини қайтариб берганлиги, қолган компьютерларни бир қисмини А.Нажмитдиновга берганлиги, қолган қисми эса йўқ бўлиб кетганлиги, уларни қаерда эканлигини билмаслиги, тергов ва суд даврида жабрланувчига етказилган зарарларни тўлиқ қоплаганлиги ҳақида кўрсатув бериб, пушаймонлигини билдириб, суддан енгиллик сўради.

Жабрланувчи А.Иномов судда ҳақиқатан ҳам У.Исановни 2018 йилдан бери таниши, у билан Фарғона шаҳар марказида жойлашган У.Исанов ишлайдиган "Дота-2" номли компьютерхонада танишиб қолганлиги, унинг ўзида ҳам компюетрхона бўлганлиги, 2020 йил февраль ойига компьютерхонасидан кутилганидек фойда топа олмаганлиги, шу сабабли компьютерхонани ёпганлиги, танишларига компьютер ва бошқа жиҳозларини сотишини айтганлиги, орадан бироз вақт ўтиб, У.Исанов унинг олдида келиб, шаҳар марказида компьютерхона очганлигини ва шу сабабли унга компьютер жиҳозлари ва мебеллар жуда керак бўлаётганини айтиб, компьютер ва мебелларини унга бериб туришини сўраганлиги, бунинг учун У.Исанов унга ҳар ойда ижара пули бериб туришини айтганлиги, бу таклиф унга маъқул келганлиги сабабли 24 дона компьютер (ҳар бири 300 АҚШ доллардан), 24 дона компьютернинг стол-стули (ҳар бири 80 АҚШ доллардан), 10 дона компьютер (ҳар бири 1.300 АҚШ доллардан) ва 9 дона кресло (ҳар бири 155 АҚШ доллар) ларни У.Исановга ижарага бериб юборганлиги, келишувга кўра, У.Исанов ҳар ойда унга 1.000 АҚШ доллари миқдорида ижара ҳақи бериши керак бўлганлиги, У.Исанов бу нарсаларни олиб кетиб, ўзини компьютерхонасига ўрнатганлиги ва ишини бошлаб, дастлабки ой учун 1.000 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни берганлиги, бироқ, апрель ойига келганида фақат 100 АҚШ доллари ижара пули берганлиги, сабабини сўраганида, олган компьютерларни танишларига ижарага бериб юборганини айтганлиги, шунда у унга компьютерларни жойига қайтариб қўйишини айтганлиги, 2020 йил июнь ойида У.Исановдан



ижара ҳақи учун бўлиб-бўлиб яна 700 АҚШ доллар миқдоридаги пулларни олганлиги, кейин У.Исановни топа олмаганлиги, телефонларига жавоб бермай қўйганлиги, 2020 йилнинг 18 август куни У.Исанов билан кўришганда У.Исанов унга компьютерларни танишларига ижарага бериб юборганлигини, ҳозирда мазкур шахслардан уларни қайтариб олмаганлигини айтиб, бахона қилганлиги, шу сабабли, ундан 34 дона компьютерни ижарага олганлиги ва уларни 20.08.2020 йил куни қайтариб бериши ҳақида тилхат ёздириб олганлиги, лекин келишилган вақт келса ҳам, У.Исановни топа олмаганлиги, кейинчалик У.Исанов ундан олган компьютерларни бир қисмини, яъни 8 дона 1.300 АҚШ долларлик компьютерларни А.Нажмитдинов исмли танишига қарзи ҳисобидан бериб юборганлигини билганлиги, шу сабабли у У.Исановнинг устидан ИИБга бу ҳақида ариза билан мурожаат қилганлиги, тергов пайтида, 20 та кичкина процессор ва 14 та "Иммер 24" монитор, мебеллар ва 1 дона "Samsung" 27 мониторларини қайтариб олганлиги, аммо ҳозирда У.Исанов томонидан унга етказилган зарарлар тўлиқ қопланганлиги ҳақида кўрсатув бериб, У.Исановга нисбатан даъвоси йўқлигини билдириб, унга нисбатан енгиллик берилишини сўради.

Гувоҳ А.Нажмитдинов судда ҳақиқатан ҳам судланувчи У.Исанов 2020 йилнинг бошида ундан 5.000 АҚШ доллари миқдорида қарз олганлиги, У.Исанов унга ушбу пулларга компьютер сотиб олиб, компьютерхонасига ўрнатишини ва топган фойдасидан ҳар ой унга 4.000.000 сўмдан бериб боришини айтганлиги, бироқ пулларни олганидан сўнг, У.Исанов ваъдасида турмасдан, унга келишилган пулларни ойма-ой бермаганлиги, шундан сўнг У.Исановдан пулларини қайтаришини сўраганида, унга пули йўқлигини, лекин пулларини ўрнига ўзини компьютерларини бериб туришини, пулларни берганидан сўнг, уларни қайтариб олишини айтганлиги, шунда у рози бўлиб, У.Исановдан жами 8 дона компьютерларни олиб кетганлиги, кейинчалик У.Исанов унга пулларини бермаганлиги сабабли, ушбу компьютерларни сотиб юборганлиги, тергов вақтида унга У.Исанов берган компьютерлар А.Иновга тегишли эканлигини билганлиги ҳақида кўрсатув берди.

Судланувчи У.Исановнинг содир этган жинояти, унинг айбига тўлиқ иқроор бўлиб берган кўрсатуvidан ташқари, жабрланувчи А.Инов, гувоҳ А.Нажмитдиновнинг суддаги, гувоҳ А.Махмуджоновнинг судда ўқиб эшиттирилган дастлабки терговдаги кўрсатувлари, юзлаштириш баённомалари (и.в. 78-85) ҳамда ишда тўпланган бошқа объектив далиллар билан ҳам тўлиқ тасдиқланади.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан У.Исановнинг алдаш ва ишончли суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг жуда кўп миқдордаги мулкани қўлга киритишда ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми "а" банди билан қуйидаги асосларга кўра тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги "Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги қарорининг 3-бандида, фирибгарлик ўзганинг мулкани ёки мулкка бўлган



хуқуқини алдаш ёки ишончли суиистеъмол қилиш йўли билан қонунга хилоф равишда ва текин қўлга киритишда ифодаланиб, бунинг таъсирида мулкдор (унинг вакили), мулкнинг бошқа эгаси ёки ваколатли орган мулкни ёки унга бўлган хуқуқни бошқа шахсга беради, ёнки ушбу мулк ёки унга бўлган хуқуқ бошқа шахс томонидан олиб қўйилишига имконият бериши;

4-бандида, фирибгарликда алдаш деганда, айбдор томонидан, била туриб, ҳақиқатга тўғри келмайдиган ёлғон маълумотлар хабар қилиниши ёки иш ҳолати бўйича мулкдор, мулкнинг бошқа эгасига маълум қилиниши лозим бўлган ҳақиқий фактларни яшириш ёхуд бундай шахсларни янглиштиришга қаратилган қасддан содир этилган ҳаракатлар тушунилиши кўрсатилган.

Судда аниқланган ҳолатларга кўра, у 2020 йилнинг март ойида таниши А.Иномовга тегишли бўлган 34 дона турли русумдаги компьютерларини ижарага бераётганлигидан хабар топиб, у билан Фарғона шаҳрида кўришиб, А.Иномовнинг ишончига кириб, унга мазкур компьютерларни бериб турса, ойига 1.000 АҚШ долларида ижара пули тўлаб боришини айтиб, уни алдаб, А.Иномовнинг жами нархи 22.400 АҚШ доллар (212.934.400 сўм) бўлган 34 дона компьютер ва 9 дона креслоларини олиб кетиб, А.Иномовга келишилган ижара пуллари бермасдан, фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, ушбу компьютерларни 8 донасини қарзи эвазига фуқаро А.Нажмитдиновга бериб юбориб, яна бир қисмини дастлабки тергов вақтида аниқлашнинг имкони бўлмаган шахсларга сотиб, пуллари ўзининг шахсий эҳтиёжларига сарфлаб юборган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги "Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"ги қарорининг 3-бандида, жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги;

4-бандида, қонун тайинланадиган жазо тури ва меъёрини айбдорнинг шахсини тавсифловчи объектив ва ижтимоий омиллар билан боғлиқ қилиб қўйганлиги туфайли судлар жиноят ишларини кўриб чиқиш пайтида мазкур ҳолатларни аниқлашлари шартлиги, объектив омилларга, хусусан, айбдорнинг ёши, жинси, ҳомиладорлик ҳолати, ижтимоий омилларга – судланганлиги, оиладаги, жамиятдаги ҳулқ-атвори, машғулоти, давлат ёки ижтимоий мавқеи ва ҳ.к. лар кириши ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд, қайд этилган Пленум қарори тушунтиришларига риоя қилиб, У.Исановга нисбатан жазо тайинлашда жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар аниқланмаганлиги, жазони енгиллаштирувчи ва унинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар сифатида унинг шахсини, муқаддам судланмаганлиги, айбига тўлиқ иқроор ва қилмишидан пушаймонлигини, қилмишни содир этиш сабаблари, жабрланувчи А.Иномовга етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлигини инобатга олиб,



ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, қонун санкциясида белгиланмаган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашни лозим топади.

Суд, иш бўйича моддий зарар масаласини муҳокама қилиб, У.Исановдан жабрланувчи А.Иномовга етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини инобатга олишни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, суд Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 463, 465-468, 471-473-моддаларига асосан,

Ҳ У К М Қ И Л Д И :

Исанов Уткирбек Анварович (Isanov Utkirbek Anvarovich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми "а" банди билан айбли деб топилсин.

Исанов Уткирбек Анваровичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми "а" банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилиб, ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 (уч) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан У.Исановни 2021 йил 12 январдан 2021 йил 5 июлга қадар қамоқда сақланган 5 ой 19 кун тайинланган жазодан чегирилиб, ўташ учун ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил 7 (етти) ой 3 (уч) кун муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилсин.

Жазо мазкур турдаги жазолар ижросини назорат қилувчи органлар белгилаган жойларда ўталсин.

Жазо ўташ муддати иш жойида ҳукм ижро этилиши бошланган кундан ҳисоблансин.

Жазони ижро этиш Фарғона шаҳар ИИО Пробация бўлими зиммасига юклатилсин.

Судланувчи У.Исановга нисбатан қўлланилган қамоқ эҳтиёт чораси бекор қилиниб, суд залидан дарҳол қамоқдан озод қилинсин.

Иш бўйича жабрланувчи А.Иномовга етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги инобатга олинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб йигирма сутка ичида Фарғона вилоят судига апелляция тартибида шикоят бериш ва протест билдиришга ҳақли.

Раислик қилувчи:

имзо

А.Минойиддинов

Нусхаси аслига тўғри:

А.Минойиддинов

